



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUIJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Андижон вилояти

Андижон вилояти 170100, Andijon Shahri, A.Navoiy shox ko'chasi 30-uy. Tel/Faks (374) 223-57-82, E-mail: ekspert-2312@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Tasdiqlandi

Директор: MASHRAPOV AXRORBЕК AKRAMOVICH

Сана: 27-07-2021 йил

ЙИҒМА ЭКСПЕРТ ХУЛОСА № 16700

Объект номи «Андижон шаҳри Бобуршоҳ кўчасида жойлашган №7-сонли Оилавий поликлиника биносини реконструкция қилиш»

Буюртмачи - Андижон вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси”

Бош лойиҳачи - «Андижонфуқаролойиҳа» МЧЖ

Лицензия 21.06.2020 йилдаги АЛ-000941-сонли, Ўзбекистон Республикаси

Қурилиш вазирлиги

Молиялаштириш манбаи - Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан

Бош пудратчи - тандов савдолари асосида.

Қурилиш тури: Қайта қуриш (реконструкция)

Мурожаат рақами: № 16470

1. Лойиҳалаш учун асос.

Андижон шаҳар қурилиш бошқармаси томонидан 2021 йил 03 мартдаги №238-сонли руҳсатномаси

Андижон вилоят Қурилиш бош бошқармаси томонидан 2021 йил 11 мартдаги №1703-1703401-13936 сонли АРТ 1-2 ҳужжати

Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланган ҳамда буюртмачи томонидан келишилган 2021-йилдаги лойиҳа олди топшириғи.

Андижон вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 26.02.2021 йилда берилган №ТХ-05-21 ЯБХИК сонли хулоса.

2. Экспертиза учун тақдим этилган материаллар.

Лойиҳанинг таркибий қисмларининг рўйхатиға мувофиқ ишчи лойиҳа босқичида тўлиқ лойиҳа смета ҳужжатлари.

Рухсатномалар ва келишув ҳужжатлар жамламаси, умумий тушунтириш китоб тарзида

3. Лойиҳа ечимларининг қисқача мазмуни.

Қурилиш майдони тафсилотлари:

Ташки хавонинг минус 16 С ли қурилиш тумани

Кордан тушадиган юк -50 кг/м²

Шамолнинг таъсир кучи -38 кг/м²

Ёзги ҳисобий хавонинг иссиқлик ҳарорати +33 С.

Майдон сейсмиклиги 9-балли

Мухандислик геологик кидирув ишлари 2021 йилда «O`zGASHKLITI» ДУК томонидан бажарилган хулоса.

Бош режа:

Андижон шаҳридаги №7-сонли Оилавий поликлиника бино ва иншоотлари Бобур шох кўчаси №14 манзилда жойлашган. Майдон чегаралари шимолдан - устахона ва дорихона билан, шарқдан - Бобур шох кўчаси билан, жанубдан - устахона ва чойхона билан, ғарбдан - аҳоли уйлари билан чегараланган.

Бош режага асосан куйидаги бино ва иншоотлар жойлашган; мавжуд оилавий поликлиника, мавжуд қозонхона, мавжуд иссиқхона, мавжуд ёнғин хавфсизлиги бурчаги ва қўрғон девор; лойихавий поликлиника биноси, 2 ўринли ҳожатхона, кўмирхона, 1 та автомобилга очиқ айвон, омборхона ва ПНУ жойлашган.

Майдон копламалари куйидагича лойихаланган:

- бино ва иншоотлар, ободонлаштириш горизонтал нуқталар асосида боғланган.

- ҳудудга кириш ва чиқиш ташкил этилган.

-йулаклар, бурилиб олиш майдонлари куйма бетонли бордюрли. - h=20см қалинликдаги шағал тўшамали асос устига 5см қалинликдаги майда тошли асфальт қопламали қилиб бажарилган. 5см қалинликдаги ювилган қум тўшамаси устига h=8см ыалинликда бетон плиткали (брусчатка) куйма бетонли бордюрдан иборат.

Сугориш тармоги тупроқли ва йигма ЛИ-1-БТ темирбетонли арикчалар кўринишида бажарилган.

Меъморий ва конструктив ечимлари:

Мазкур ишчи лойиҳа лойиҳалаш учун топшириққа асосан лойиҳаланди.

Реконструкция қилиниши режалаштирилган "Оилавий поликлиника" биноси 3-қаватли бўлиб, техник қават ҳам мавжуд.

Мавжуд Поликлиника биноси ва қўшимча янги бино 3-қаватли ертулалли, тўғри тўрт бурчакли шаклида бир блокдан иборат қуйма яхлит темирбетон синчли, М50 маркали қоришмада М75 маркали ғишт тўлдирилган, темирбетон ўзакли

Реконструкция қилиш жараёнида Поликлиника мавжуд биносига қўшимча 5,4x12,4м бино ва зинапоя ҳам ёнғинга қарши талабларга жавоб бериши учун 1,6мга узайтирилди, шундан сўнг бино размерами бўйича 38,6x14,0м га келтирилди.

Бинонинг цокольный қаватида куйидаги хоналар жойлашган; зинапоя, лифт олди йулаги, физ.гимнастика, физиотерапия, массажлар хонаси, электрошитель, венткамера, қон қабул қилиш хонаси, қон таҳлил хонаси, сийдик йиғиш ва таҳлил хона, тамбур, дезпост, ходимлар хонаси, омборхона ва автоклав.

1-чи қаватда вестибюль, рўйхатга олиш хонаси, муолажа хонаси, рентген, бошқарув хонаси, рентгенолог хонаси, бокс-фильтр, кутиш зали, ҳожатхона, УЗИ, балғам йиғиш хонаси, ДОТС, йулак ва ЭКГ жойлашган

2-чи қаватда УАШ, ҳожатхона, муолажа хонаси, кундузги стационар, акушер гинеколог, курув муолажа, жаррох хонаси, боғлов муолажа хонаси, болалар стоматологияси, катталар стоматологияси, нервпатолог хонаси, отолоринголог хонаси, методист хонаси, офтомолог хонаси, коронғу хона ва йўлак жойлашган.

3-чи қаватда; УАШлар, ҳожатхона, мажлислар хонаси, бўлим мудир хонаси, катта ҳамшира хонаси, дорилар сақлаш хонаси, кадрлар бўлими хонаси, ВКК, йулак, бош шифокор хонаси, қабулхона, бош шифокор ёрдамчи хонаси ва йулак жойлашган.

Ички пардозлаш ишларида юқори сифатли водоэмульсия ва акрил билан бўёқлаш, деворларнинг пастки қисмини акрил бўёқлаш, ташқи деворларни пардозлашда фасад бўёқлари, цоколь қисмида керамогранит ишлатилган.

Дераза блоклари "ПВХ" пластикдан, эшик блоклари эса "МДФ" ПВХ дан витражлар ҳам ПВХдан иборат.

Реконструкция килиш жараёнида ишчи лойиҳада қуйидаги иш турларини бажариш кўзда тутилган:

Том шифер қопламаларини ва том ёпмаси ёғоч конструкцияларини бузиб олиш. Том ёпмаси ёғоч конструкцияларини, ёғоч стропила ва обрешёткаларни ўрнатиш. Том тепа қисмида ва паст қисмида қалинлиги 25мм ли тахта тўшама ўрнатиш. Трапеция ва синус кўринишли полимер қопламали профнастил қопламаларини ёпиш. Ёғин сувларни оқизиш учун 150мм ли тунукадан қувурлар ва ариқчалар ўрнатиш. Ёғоч деразаларва эшикларни бузиб олиш. Парда деворларни бузиш. Фиштли 120мм ли парда деворларни уриш. Эшик ва дераза ўринларини фишт билан уриб тўлдириш. Метал конструкция билан парда деворларни кучайтириш. Пластикдан ПВХ русумли ойналарни ва ойнаости тахталарини ўрнатиш. МДФ русумли пластикдан ПВХ русумли эшиклар ўрнатиш.

Қурилиш руҳ тунукасидан деразаларга ташқи томонидан фартуклар ўрнатиш.

Линолеум полларни, керамик плиткали ва бетон полларни бузиш. 20мм қалинликда бетон полларни қуйиш. Полларни 3 қаватли корақоғоз билан сув ва заҳдан химоялаш (ҳожатхона, ювиниш хоналарида). 50мм қалинликда кўпиклаштирилган полиэлен иссиқлик ҳимояси қуйиш. Цемент қоришмали полларни қуйиш. Релин қопламали полларни қуриш. Керамик плиткали полларни қуриш. Керамогранит полларни қуриш. Керамогранит, керамик ва пласмасса жаспаклар ўрнатиш. Девор ва пардадеворлар юзасидан эски сувок ва бўёқларни кўчириш. Девор ва пардадеворларни сувок қилиш ва сувок устидан алебастр қоришмаси билан пардозлаш. Девор ва пардадеворларни акрил бўёғи билан пардозлаш.

Қаватлараро ёпмалар темирбетон юзасидан эски бўёқларни кўчириб тозалаш ва темирбетон юзасини алебастр қоришмаси билан пардозлаш. Қаватлараро ёпмалар темирбетон юзасини акрил бўёғи билан пардозлаш. Деворлар, парда деворларни 1,6м баландликгача керамик плитка ёпиштириш. Бинонинг цокол қисми сувокларини кўчириш. Цокол қисмини «керамогранит» русумли плиталари билан пардозлаш. Бинонинг фасад қисмидаги эски сувок ва элементларни кўчириб олиш. Бинонинг фасад қисмини Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазиригининг 2021 йил 11 январ кунги Андижон вилоятида 2021 йил учун «Инвестиция» дастурига киритилган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларининг лойиҳа смета хужжатлари буйича утказилган Такдимоти» баёнига асосан бинонинг энергосамардорлигини ошириш мақсадида, бинода иссиқликни сақлаш учун бинонинг ташқи фасад қисмига 50мм қалинликдаги минерал вата (базальт) қоплаш, метал сим тур қоплаб, дюбель қоқиб маҳкамлаш, цемент қоришмали юқори сифатли сувок қилиниб, пардозлаш ишларини бажариш кўзда тутилган. Крылцо қисмини «керамогранит» плиталар билан пардозлаш. Иссиқлик тизими қувурларини бузиб олиш. Иситиш ускунасини бузиб олиш. Иссиқлик тизими полипропилен

русумли қувурлардан ўрнатиш. Ички иссиқлик тизимлари ва сув қувурлари деворларини ичида беркитилган холда каналларда олиб ўтиш. Иситиш ускунасини «Акфа» русумли ускуналардан ўрнатиш. Ичимлик суви таъминоти қувурларини бузиб олиш. Ичимлик суви қувурларини полипропилен қувурлардан ўрнатиш. Сантехника асбоб ускуналарини бузиб олиб, ўрнига янгисини ўрнатиш. Электр сим ва кабелларини тўлик янгилаш. Алоқа ва ёнгинага қарши воситаларни тўлик янгилаш. Ишчи лойихада тупрокни намликдан салаш чораларини кўриш.

Бино атрофини 1,5м кенгликда, 3см қалинликда асфальт қопламали тўшама босиш ишлари кўзда тутилган..

Шунинг билан бирга бинони ёнгина ҳавфсизлигига қарши, алоқалари лойихада кўзда тутилган.

4. Лойиҳаланаётган объектнинг муҳандислик таъминоти:

Иссиқлик таъминоти лойихада кўзда тутилган қозонидан олинади.

Ичимлик сув таъминоти “Сувтаъминот” МЧЖ Андижон шаҳар бўлими томонидан берилган 2021 йил 9 мартдаги №01-14/349 сонли техник хулосасига асосан амалга оширилади.

Электр таъминоти “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ Андижон шаҳар ЭТК томонидан 2021 йил 9 мартдаги №1004-сонли техник шарти орқали амалга оширилади.

5. Лойиҳани келишилганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

Андижон вилоят Қурилиш Бош бошқармаси Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг 18.03.2021 йилдаги №11116-сонли хулосаси.

6. Экспертиза натижалари.

Лойиҳани кўриб чиқиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар лойиҳа ташкилоти томонидан дастлабки лойиҳа чизмалари ва смета ҳисоб-китоблари тўғриланиб қайта тўлдирилди.

Ишчи лойиҳага асосан қурилиш-монтаж ишларининг якуний харажатлари буюртмачи ва пудрадчи томонидан қурилиш тугагандан сўнг, ҳақиқий (ижро ҳужжатлари) назорат натижалари асосида аниқланади.

Буюртмачи лойиҳавий ҳужжатларини тасдиқлашдан олдин белгиланган тартибда барча манфаатдор ваколатли органлар билан келишиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сонли қарорига мувофиқ 4-илова, II боб 8-банд ва ШНК 1.03.06-13 да «Давлат экспертизасига тақдим этиладиган шаҳарсозлик ҳужжатларининг сифати учун жавобгарлик буюртмачига (дастлабки маълумотларни лойиҳалаштириш жараёнида тақдим этилган дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги бўйича) ва ишлаб чиқувчига (қабул қилинган лойиҳа қарорлари бўйича) юклатилади»

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396- буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3180) билан тасдиқланган «Лойиҳа-тадқиқод ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги» Низомнинг 4-бандига асосан лойиҳа ташкилоти томонидан қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишда, лойиҳаларни ишланма бошланишидан амалга тадбиқ этилишининг охиригача олиб бориладиган техникавий кузатуви амалга оширишда иштирок этади.

Буюртмачининг 2021 йил 23 июль кунги №16470 сонли электрон тизим мурожаатига асосан 2021 йил 07 июлдаги №15573 сонли йиғма хулоса бекор қилинди.

Тақдим этилган 15% ККС билан ҳисобланган умумий миқдори 4086588,246 минг сўмни ташкил

килган. Экспертиза қўригидан сўнг 25900,559 минг сўм қурилиш материаллари, машина ва механизмлар харажатлари объектнинг ҳисобланган қийматидан камайтирилди.

7. Хулосалар.

Ишчи лойиха; "Андижон шаҳридаги №7-сонли Оилавий поликлиника биносини реконструкция қилиш" объектини қўидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларига кўра кейинги келишув ва тендер савдоларини ўтказиш учун тавсия этилади:

Қурилиш майдони	- 538,8 м ²
Умумий майдон	- 1592,0 м ²
Қурилиш ҳажми	- 7421,6 м ³
Меъёрий меҳнат сарфи	- 4376,03 киши/кун.
Жорий нархдаги тавсиявий (бошланғич) миқдори 15% ҚҚС билан	- 4060687,450 минг.сум.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йилдаги 261- сонли қарори ва ШНК 4.01.16-09 меъёрларига мувофиқ танлов савдоларини ўтказиш учун объектнинг қиймати буюртмачи томондан белгиланади. Тасдиқлаш учун тавсия этилган таъмирлаш ва қурилиш ишлари нархи бошланғич ҳисобланиб, асосий қарорни буюртмачи ва бош пудрад кўрхонаси томонидан шартномавий муносабатлар орқали амалга оширилади.

Бош мутахассис: Xaldarov Jur'at Alimdjanovich